Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 14 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 193 (13.256)

Баҳоси эркин нархда

НУРСУЛТОН НАЗАРБОЕВ ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРДИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов замонамизнинг улуғ сиёсатчиси, узоқни кўра оладиган ва стратегик фикр юритадиган буюк шахс сифатида бутун дунёда юксак обрў-эътибор қозонган эди.
Хорижий мамлакатларнинг давлат ва сиёсат арбоблари, фуқаролари у кишининг вафотини чуқур қайғу билан қабул қилди, халқимизга ҳамдард бўлди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида 12 сентябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди.

Нурсултон Назарбоев ва Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрига гул қўйдилар ва унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар. Ислом Каримов руҳи покларига Қуръон тиловат қилинди.

Нурсултон Назарбоев Ислом Каримов қадрдон дўсти бўлганини, бир-бирини ҳамиша яхши тушунгани ва қўллаб-қувватлаганини, биргаликда халқларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаганини, Президентимиз Ўзбекистонда тинчлик ва фаровонликни таъминлаганини алоҳида таъкидлади.

– Ўзбекистонликларнинг барча авлодлари Ислом Каримовни ҳурмат билан ёдга олишига ишончим комил. Унинг улуғвор мероси, давлат раҳбари сифатидаги фаолияти ўзбек халқи, Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилади, асрлар давомида ўрганилади. Ўзбекистоннинг тикланиши ва ҳар томонлама ривожланиши, аҳоли фаровонлиги ошиши унинг номи билан боғлиқ. Ислом Каримов ўзбек халқини, Ўзбекистонни замонавий дунёга танитди. Биз ана шундай буюк инсондан айрилдик, – деди Қозоғистон Президенти.

Олий мартабали меҳмон Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасига ташриф буюриб, Ислом Каримовнинг рафиқаси Татьяна Каримовага чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

Форумлар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик 1998 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ва бошқа ҳужжатлар асосида тараққий этмоқда.

Мамлакатларимиз БМТ, ШҲТ, МДҲ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевга халқимизнинг буюк фарзанди, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюргани учун миннатдорлик билдирди. Ушбу ташриф меҳр-оқибат ва аҳиллик айёми – Қурбон ҳайити кунларида амалга оширилгани Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоевнинг муносабатлари, дўстлиги юксак даражада бўлганини намоён этди. Бу дўстлик халқларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорликка асос бўлганини, бундай яқин муносабатлар бундан кейин ҳам изчил давом этишини алоҳида таъкидлади.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, унинг иқтисодиёти ва сиёсатини белгилаб берган улуғ давлат арбоби, ўзбек халқининг буюк фарзанди, дунё миқёсидаги лидер бўлганини алоҳида таъкидлади. Ислом Каримов халқаро анжуманларда ҳар доим ҳал қилувчи ўрин тутганини, энг мураккаб пайтларда ҳам тинчлик ва барқарорликни таъминлаганини, Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳамкорлиги ривожига улкан ҳисса қўшганини қайд этди. Мамлакатларимиз ўртасидаги бу алоқаларни изчил давом эттириш муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга ташрифи ниҳоясига етди.

Анвар САМАДОВ,
Голиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига хорижий мамлакатлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик, равнақ ва фаровонлик тилаб, эзгу истаклар билдирилган.

Жумладан:

Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи – **Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**

Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, ички ишлар вазири – **Муҳаммад бин Нойиф бин Абдулазиз Ол Сауд**

Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди ўринбосари, Вазирлар Маҳкамаси раисининг иккинчи ўринбосари, мудофаа вазири – **Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**

Ўмон Султони – **Қобус бин Саид**

Кувайт Давлати Амири – **Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти – **Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими – **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош қўмондони ўринбосари, Абу Даби Амирлиги валиаҳди – **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири – **Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**

Миср Араб Республикаси Президенти – **Абдулфаттоҳ Саид Ҳусайн ас-Сиси**

Тунис Республикаси Президенти – **Муҳаммад ал-Божий Қоид ас-Сибсий**

Туркия Республикаси Президенти – **Режеп Таййип Эрдўғон**

Қозоғистон Республикаси Президенти – **Нурсултон Назарбоев**

Тожикистон Республикаси Президенти – **Имомали Раҳмон**

Қирғизистон Республикаси Президенти – **Алмазбек Атамбоев**

Бангладеш Халқ Республикаси Президенти – **Абдул Ҳамид**

Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири – **Шайх Ҳасина Вазед**

Афғонистон Ислом Республикаси ҳукумати Ижроия кенгаши раиси – **Абдулла Абдулла**

Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг биринчи ўринбосари, армия генерали – **Абдул Рашид Дўстум**

ўз табрикларини йўллаганлар.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ПАРАЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ ЯНА ШОҲСУПАГА КЎТАРИЛДИ

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтаётган XV Паралимпия ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар яна иккита бронза медалини қўлга киритди.

Дмитрий Хорлин 400 метрга эркин усулда сузишда 4 дақиқа 06.63 сония қайд этиб, шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига яна битта бронза медални Аҳрор Бозоров тақдим этди. Пауэрлифтинг бўйича вазни 80 килограммгача бўлган спортчилар беллашувида қатнашган спортчимиз 207 килограмм натижа билан учинчи ўринни эгаллади.

Айни пайтда Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобида 6 олтин, 4 кумуш ва 13 бронза медаль бор.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

ПОК НИЯТЛАР, ЭЗГУ АМАЛЛАР АЙЁМИ

Мамлакатимизда кенг нишонланган Қурбон ҳайити тадбирларида халқимизнинг меҳр-мурувват, оқибат, ўзаро ёрдам, саховат каби эзгу фазилатлари яна бир бор намоён бўлди.

Жомеъ масжидларида ўқилган ҳайит намозларида мўмин-мусулмонлар Яратгандан юртимиздаги тинчлик-осойишталик, тўкин-сочинлик ва фаровонлик бардавом бўлишини тилади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотираси ёдга олиниб, Қуръон тиловат қилинди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизнинг миллий-диний қадриятлари қайта тикланди. Рамазон, Қурбон ҳайитлари эмин-эркин кенг нишонланадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 9 сентябрдаги "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ушбу муборак айёмни кўтаринки руҳда нишонлаш учун барча чора-тадбирлар кўрилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани сингари пойтахтимизнинг Яшнобод туманида ҳам Қурбон ҳайитига тайёргарлик ишлари уюшқоқлик билан ташкил этилди. Кўчалар, маҳалла гузарлари, зиёратгоҳлар, қабристон ва масжидлар, тарихий обидаларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

"Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимлари ҳамкорлигида уюштирилган хайрия тадбирлари халқимизга хос инсонийлик, саховатпешалик, шукроналик фазилатларини намоён этди. Жамоатчилик гуруҳлари томонидан кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, эҳтиёжманд инсонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Ёшлар ўзгалар кўмагига эҳтиёжманд кексаларга уй ишларида кўмаклашди.

Байрам муносабати билан нуронийлар ва ёшлар иштирокида тарихий обидалар ва муқаддас қадамжоларга саёҳатлар уюштирилди. Бундай тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли, айниқса, ёшларни мамлакатимизда бой маънавий меросимизни асл ҳолича асраш ва келажак авлодларга етказиш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишлар билан яқиндан таништириш, навқирон авлодни она Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдир.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қўшработ туманидаги умумтаълим мактабларида Самарқанд вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ташкил этилган "Тозалик, озодалик – саломатлик гарови" шиори остидаги тадбирда мутахассислар томонидан ўқувчиларнинг тиббий маданиятини ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган тавсия ва маслаҳатлар берилди. Биринчи синфга қабул қилинган болаларга шахсий гигиена воситалари жамланмаси топширилди.

● Сирдарё вилояти Гулистон тумани марказий шифохонаси қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Инвестиция дастури асосида туман марказий шифохонасининг 3 қаватли асосий биносини тубдан реконструкция қилиш учун 2 миллиард 400 миллион сўм маблағ сарфланди. Шифохонанинг даволаш мажмуаси учун алоҳида 2,5 минг куб метрлик сув иншооти ўрнатилди. 155 ўринга мўлжалланган 10 бўлимдан иборат шифохонада беморларни даволаш учун барча қулайлик яратилган.

● Оқдарё туманидаги Самарқанд агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Туман ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 130 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассаса бўш ва квота иш ўринлари билан қатнашди. Тадбирда 50 дан ортиқ иштирокчи ўз мутахассислиги бўйича ишга йўлланма олди.

● Наманган вилояти Тўрақўрғон туманининг Исвахон, Кичик Қўрғонча ва Чуст кўприк маҳаллаларида намунавий лойиҳалар асосида 86 та турар жой биноси қурилиши ниҳоясига етказилди. Тўрақўрғон–Мингбулоқ автомобиль йўлининг икки тарафидаги ушбу замонавий иморатлар ҳудуд чиройига чирой қўшмоқда.

ЖАҲОНДА

● Кеча Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 71-сессияси ўз ишини бошлади.

● WADA ташкилоти россиялик хакерларни допингга қарши базани бузишда айблади.

● Германия полицияси учта қочқинни террорчилик ҳаракатларини тайёрлашда айблаган ҳолда қўлга олди.

● Apple компанияси инсон саломатлигини доимий назорат қилиб турадиган ўзига хос қурилмани яратиш ишларини охирига етказди. Фойдаланувчиларнинг шахсий маълумоти, жумладан, юрак қисқариш мароми, томир уриши, қондаги қанд миқдори ва бошқа ахборотни йиғадиган ушбу қурилманинг 2017 йилдан сотувга чиқиши маълум қилинди.

ПОК НИЯТЛАР, ЭЗГУ АМАЛЛАР АЙЁМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маҳаллаларда ташкил этилган авлодлар учрашувлари, турли маънавий-маърифий тадбирлар ёшларнинг билим ва дунёқарашини бойитиш, юртимизда амалга оширилаётган хайрли ишларда уларнинг фаоллигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Қурбон ҳайити эзгу амаллар айёмидир, – дейди Яшнобод туманидаги Авиасозлар маҳалласида яшовчи Мавжуда ая Ашрафхонова. – Маҳалламизда байрам муносабати билан кўча ва майдонлар, кўп қаватли уйлар атрофи, ҳовли-жойлар тартибга келтирилди.

Самарқанд вилоятида ҳам муборак Қурбон ҳайити кенг нишонланди.

Вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида мазкур байрамни юқори савияда, уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилди. Маҳалла ва гузарлар, қабристон ва зиёратгоҳларда ҳайит олдидан ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуасида юртимизнинг турли ҳудудларидан келган мўмин-мусулмонлар ибодат амалларини адо этди.

Минглаб юртдошларимиз Биринчи Президентимиз Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди.

– Вилоятимиздаги барча мўмин-мусулмонлар Қурбон ҳайити намозини тинч-осойишта кунларимизга шукрона айтган ҳолда ўқиди, – дейди Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг Самарқанд вилоятидаги вакили ўринбосари Зайниддин Эшонқулов. – Ибодатларимиз чоғида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасини ёд этиб, у кишининг ҳақларига дуолар қилдик. Юртимиздаги осойишталикнинг барқарор бўлиши, давлатимизнинг янада равнақ топишини тиладик.

Фарғона вилоятида ҳам Қурбон ҳайити юксак савияда нишонланди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида миллий-диний қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор аҳоли ўртасида меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан вилоятдаги Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний, Пурсиддиқ қадамжолари ободонлаштирилиб, кўркам зиёратгоҳларга айлантирилди. Буюк аждодларимизнинг юбилей саналари кенг миқёсда нишонланаётгани ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

– Халқимизга хос меҳр-мурувват, саховатпешалик ва бағрикенглик фазилатлари Қурбон ҳайити тадбирларида янада яққол намоён бўлди, – дейди "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Топволди Холдоров. – Байрам арафасида маҳаллалар, меҳнат жамоалари ва оилаларда тозалик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар, ёлғиз кексаларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатмоқда. Маҳаллаларда "Ўтганлар руҳини шод этайлик", "Уч авлод учрашуви", "Меҳр-мурувват – инсонга зийнат" каби мавзуларда тадбирлар ташкил этилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 9 сентябрдаги "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарори муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Вилоятдаги барча жомеъ масжидларида ҳайит намозини ўқиш учун ҳамма шароит яратилди. Ҳайит намозларида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотираси яна бир бор ёд этилиб, ҳақига Қуръон тиловат қилинди.

Сурхондарё вилоятида ҳам муборак Қурбон ҳайити тадбирлари халқимизга хос бағрикенглик, аҳиллик руҳида ташкил этилди.

Ушбу муборак айём муносабати билан тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар, масжид ва қабристонлар атрофи ободонлаштирилди. Кўча ва йўллар, маҳалла гузарлари, бозор ҳамда бошқа аҳоли гавжум ҳудудларда йўл-транспорт, ёнғин ва бошқа хавфсизлик чоралари кўрилди. Эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз кексалар, беморлар ҳолидан хабар олишга, халқимизга хос миллий қадриятларимизни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

– Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида Рамазон ва Қурбон ҳайитларини байрам сифатида кенг нишонлаш ажойиб анъанага айланганини ҳеч қачон унутмаймиз, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси ўринбосари Орзиқул Соатов. – Қатор жамоат ташкилотлари, саховатпеша тадбиркор ва фермерлар халқимизга хос эзгу ишларни амалга ошириб, Меҳрибонлик ва Мурувват уйларига, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийлари, нуронийлар ҳолидан хабар олинди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида Қурбон ҳайити муносабати билан ўтказилаётган хайрли тадбирлар кўпмиллатли халқимиз ўртасида меҳр-мурувват, оқибат, бирдамлик, аҳиллик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

ЎзА

ЁШ ТАДБИРКОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Тошкент тижорат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи битирувчиси Насиба Бахтиёрова "Ўзсаноатқурилишбанк" акциядорлик тижорат банкидан олган имтиёзли кредит эвазига махсус иш кийими ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

– Давлатимизнинг ёшларга кўрсатаётган доимий эътиборидан руҳланиб, ўз бизнесимни бошладим, – дейди Насиба. – Корхонамизда элликдан ортиқ касб эгалари учун махсус иш кийимлари ишлаб чиқарилмоқда. Ўн беш нафар тенгдошимни ишга жалб этдим.

Мамлакатимиз Биринчи Президентининг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёш тадбиркорлар замонавий технология асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга тез мослашадиган кичик корхоналар ташкил этмоқда. Пухта билим, кучли иштиёқ уларнинг ютуқларида асосий омил бўлаётир.

Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси маълумотига кўра, бу йил Тошкент шаҳридаги 79 касб-ҳунар коллежини 34 минг 788 нафар ёш мутахассис битирди. Уларни ўзлари танлаган касб бўйича ишга жойлаштириш ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган битирувчиларга имтиёзли кредитлар ажратиш ишлари белгиланган чора-тадбирлар асосида олиб борилмоқда.

– Пойтахтимизнинг барча ҳудудларида туман ҳокимликлари ҳамкорлигида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, уларнинг ота-оналари ва иш берувчи ташкилот-корхоналар вакиллари билан учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилди, – дейди Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бўлими бошлиғи Ширинбек Тойчибоев. – Ўтказилган тадбирларда бир қатор ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ёшларни кафолатланган иш билан таъминлаш таклифини билдирди. Тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган ёшларга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳам уларнинг бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Шу кунга қадар 141 битирувчига ана шундай кредитлар берилди.

Ёшларнинг тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш, таълим муассасалари битирувчилари орасида тадбиркорлик фаолиятини тарғиб қилиш, уларнинг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш мақсадида тижорат банклари томонидан олти юздан зиёд семинар-тренинг ўтказилди. Учрашувларда 4 минг 449 битирувчи мазкур соҳада фаолият юритиш истагини билдирди.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, ташкилот ва корхоналар, таълим муассасалари ва тегишли ҳокимликлар ўртасида ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тўғрисида тўрт томонлама шартномалар тузишга доир чора-тадбирлар янада кучайтирилди.

Корхона, коллеж, битирувчи ва маҳаллий ҳокимият ўртасида имзоланаётган тўрт томонлама шартномаларда барча томонларнинг манфаатлари ўз ифодасини топмоқда. Корхоналар битирувчиларни, ўқувчилар эса ўзлари хоҳлаган меҳнат жамоасини олдиндан танламоқда. Мутахассислар ўқувчиларнинг етарли малака ва тажриба ҳосил қилишига яқиндан кўмаклашмоқда. Бу ёшларни руҳлантириб, астойдил ишлашга, танлаган касбини пухта ўзлаштиришга ундамоқда.

Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири



ҲАМЖИҲАТЛИКДАГИ ИШЛАР САМАРАСИ

Чилонзор тумани 20-мавзеда жойлашган "Катта Хирмонтепа" маҳалласи ташкил топганига олтмиш йиллар бўлиб қолди. Мустақиллик туфайли маҳаллада катта ўзгаришлар содир бўлди. Айниқса, аҳоли фаровонлигини ошириш, ширкатлар фаолияти, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўзгаришлар ҳақида қувониб сўз юритиш мумкин.

Бугунги кунда қарийб 8 гектар жойни эгаллаган маҳаллада 28 та кўп қаватли уйда 1990 та оилада 6 мингга яқин аҳоли яшайди. Маҳалла ҳудудида битта оилавий поликлиника, битта мактаб, иккита мактабгача таълим муассасаси, бир қатор тадбиркорлик субъектлари жойлашган.

Бугун қайси маҳаллада аҳилликда, ҳамжиҳатликда ишлар ташкил қилинса, ютуқ ҳам ўша ерда бўлади. "Катта Хирмонтепа" маҳалласида ҳам бир нечта комиссия ва битта "Ота-оналар университети" иш олиб боради. Яраштириш комиссияси, маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссия, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар билан ишлаш, вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари, тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш, экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар ишлаб турибди.

Маҳаллада 28 та кўп қаватли уй борлигини айтиб ўтгандик. Уларга битта бошқарув компанияси, 8 та ХУЖМШ хизмат кўрсатади. Айтиш жоизки, коммунал соҳадаги ислоҳотлар боис уй-жойлардан фойдаланиш даражаси ошиб бормоқда.

Маҳалладаги "Ором коммуналчи" ХУЖМШ фаолияти билан яқиндан танишдик. Ушбу ширкат 7 та уйга хизмат кўрсатади. Ширкат раиси Холида Баратованинг айтишига қараганда, уй-жой фондини бир маромда ушлаб туриш борасида бир талай ишлар амалга оширилмоқда.

Шу кунгача уйларнинг ертўласидаги иссиқлик қувурлари алмаштирилди, томлар ёпилган. Банкларнинг кредитидан фойдаланиш ширкатлар фаолиятида жуда қўл келаяпти.

— Кредитлардан фойдаланган ҳолда уйларнинг томларини ёпиб олдик. — Ҳозир ертўладаги қувурларни алмаштириш, йўлакларни таъмирлаш ишлари олиб борилаяти, — дейди Холида Баратова. — Биз "Ипотека банк" Чилонзор филиали хизматларидан фойдаланамиз. Бу йилги режада 8 та йўлакни таъмирлаш кўзда тутилган. Энг кўп шикоят тушган 17-уйнинг ертўласи қувурларини алмаштирдик. Ҳозир 8-уйнинг қувурларини алмаштириш учун материалларни тахт қилиб қўйдик. Албатта, муаммолар ҳам бор, уларни секин-секин ҳал қилаяпмиз. Куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини дастур асосида олиб бордик. Қиш мавсумига тайёрмиз, деб айта оламан.

Маҳалла ҳудудида битта мактаб, иккита МТМ жойлашган. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Ҳусанов тез-тез бу таълим масканларига ташриф буюриб туради.

— Бу йил 1-синфга 325 нафар ўқувчини қабул қилган ҳолда янги ўқув йилини бошлаб олдик, — дейди маҳалла ҳудудида жойлашган 217-умумтаълим мактаби директори Комила Қосимова. Маҳалламиз раиси Бахтиёр Ҳусанов билан ҳамкорликда маҳалла — мактаб — оила ҳамкорлигида иш олиб борамиз. Ота-оналар ва болалар билан ишлаш натижасида муаммолар камайди. Мактабгача таълим муассасалари билан ҳамкорлигимиз яхши.

— 35-оилавий поликлиникамиз 12 та маҳалладаги 42,5 мингдан кўпроқ аҳолига хизмат қилади – дейди даволаш масканининг бош ҳамшираси Насиба Икромова. – Соғлом она ва бола йилида чуқурлаштирилган тиббий кўрикларни ташкил этдик. Унда маҳаллалардаги барча ёшдаги аҳоли қамраб олинди. Тиббий кўрик давомида касаллик аниқланса, диспансер назоратига олиб, уларни даволаш ишларини олиб борамиз. Маҳалламиз билан ҳамкорлигимиз яхши, тадбирларни маслаҳатлашиб, биргаликда ўтказиб борамиз.

Хулоса сифатида айтганда, маҳалла оқсоқоли ҳудуддаги корхона ва ташкилотлар билан ҳамжиҳатликда ишларни ташкил этса, ўша ерда олдинга силжиш, ўсиш бўлади. "Катта Хирмонтепа" маҳалласи мисолида бунинг гувоҳи бўлдик.

З. ШАРИФЖОНОВ

СУРАТДА: маҳалла фаоллари янги режа юзасидан ўзаро маслаҳатлашмоқда

Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2017 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни 17-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири) Қонуни 25-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 7-сон, 353-модда), "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни 8-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2016 йил 22 февралдаги ПФ-4782-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 8-сон, 73-модда), "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2498-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 9-сон, 85-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 34-сон 333-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2017 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2016 йил 5 августдаги баённини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Шайхонтоҳур туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 204 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 2070 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларини тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалга эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларни тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

Бандликка кўмаклашувчи Шайхонтоҳур тумани марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланганлар учун иш ўринлари.

2. Шайхонтоҳур туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг 2017 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2016 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2017 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар Бандликка кўмаклашувчи Шайхонтоҳур тумани марказига тақдим этилсин;

иловадаги шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда, ташкилотнинг мансабдор шахсларига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини Бандликка кўмаклашувчи Шайхонтоҳур тумани маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашувчи жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка кўмаклашувчи Шайхонтоҳур тумани маркази (Н.Расулова):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач қонуний кучга киради.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг ўринбосари К.Захидов зиммасига юклансин.

Шайхонтоҳур тумани ҳокими
М. Мирқосимов

2016 йил 8 сентябрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

МЕҲР-ОҚИБАТ МАСКАНИ

Мамлакатимизда маҳалла институтининг нуфузини оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада ушбу маскан фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини сифатида ўзини тобора кўпроқ намоён этмоқда.



Ёшларга мукаммал таълим бериш, уларни Ватанимизнинг миллий анъана ва қадриятларига содиқлик руҳида вояга етказиш, доимо ғамхўрлик кўрсатиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

2013 йилда янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир. Хусусан, унинг ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда аҳиллик ва тотувликни, турмуш ободлигини таъминлаш борасидаги ўрни ҳамда аҳамиятини ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди.

Бугун юртимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнларда халқимизнинг бой тарихий тажрибаларини, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизни ўзида мужассам этган ноёб бошқарув тизими – маҳаллаларнинг фаол иштирокчи сифатидаги ўрни ортиб бормоқда.

– Маҳалла том маънода меҳр-оқибат, таълим-тарбия ўчоғи, – дейди Олмазор туманидаги "Гузарбоши" маҳалласи оқсоқоли, "Эл-юрт ҳурмати" ордени нишондори Турсунхўжа Эргашев. – Айниқса, аҳолининг маърифий-маданий, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида маҳаллаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар, кексаларга эътиборли, меҳрли бўлиш, кичикларнинг одоб-ахлоқли бўлиб вояга етишлари йўлида қилинаётган ишларга янада эътибор қаратиш зарур. Токи ёшларимиз маҳаллаларда мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари, эришилган ижобий натижалар, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, яхши қўшничилик, ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик каби хайрли мақсадга қаратилган эзгу ишлардан хабардор бўлиб, шу руҳда камолга етсинлар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

КЕЛАЖАК АВЛОД ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА

Бу борада мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури олиб борилаётган ишларга дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги матбуот бўлими тақдим этган маълумотга кўра, жорий йилда янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш мақсадида аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2016 йилда инвестиция дастури доирасида мамлакатимиз бўйича 371 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

29 та мактаб янгидан қуриб фойдаланишга топширилган бўлса, 239 та мактаб реконструкция қилинди, 103 таси эса капитал таъмирланди. Ушбу мақсадларга жами қарийб 400 млрд. сўм маблағ ажратилди.

Ушбу йил Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 28 та болалар-ўсмирлар спорт мактаблари реконструкция қилиниб, мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилди ҳамда замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланди.

Давлат дастури асосида жорий йилда 1 минг 220 та умумтаълим мактабининг компьютер синфи, интерактив электрон доскалар ва кондиционерлар билан жиҳозлаш белгиланган. Натижада юртимиздаги мавжуд мактаблардаги 12 956 та ўқув-комьпютер хоналари замонавий компьютер техникаси билан, 2603 таси электрон доскалар билан таъминланади.

Янги ўқув йилида ўқувчиларни дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, янги ўқув йили учун 525 номдаги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалари чоп этилиб, ўқув муассасаларига етказилди.

Бугунги кунда 4-синф ўқувчилари учун ҳам янгидан тайёрланган чет тили дарсликларидан 1,12 млн. нусха, ўқитувчилар учун 21 минг. нусха методик қўлланмалар нашр қилиниб, жойларга етказилди. Тўртинчи синфларга чет тилидан дарс берадиган 18 минг нафар чет тили ўқитувчиларининг малакаси ҳам жорий йилда қайта оширилди.

Халқаро ҳамда мамлакатимиз тажрибасидан келиб чиқиб узлуксиз таълим тизимининг 18 та умумтаълим фанлари бўйича давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари такомиллаштирилиб тажриба-синовдан ўтказилди.

Айни вақтда мамлакатимиздаги 9692 та умумтаълим мактабларида 4,7 миллион нафар ўқувчилар учун янги ўқув йили бошланди. 640 минг нафар болалар биринчи синфга қадам қўйди ва уларнинг барчасига 12 номдаги ўқув қуроллари топширилди.

Тошкент шаҳридаги мавжуд 303 та мактабларга 46 минг 454 нафар болажонлар биринчи синфга қамраб олинди. Янги ўқув йилининг биринчи соатида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг порлоқ хотирасига бағишланган "Хотира дарслари" бўлиб ўтди.

Янги ўқув йилида қарийб етти минг нафардан ортиқ ёш мутахассислар ўз фаолиятини умумий ўрта таълим мактабларида бошладилар.

Гулнигор САТТОРОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

1. "Тошиссиққуввати" ИЧБ маълум қиладики, энергия ташувчи муҳит ва ашёларнинг нархлари ошиб кетгани боис, 2016 йил 1 октябрдан бошлаб корхона ва ташкилотлар учун иссиқлик энергиясининг улгуржи тарифи ҚҚСсиз 65560,00 сўм/Гкал миқдорида ва ҚҚС билан 78672,00 сўм/Гкал миқдорида белгиланди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

2. "Тошиссиққуввати" ИЧБ УК Тошкент шаҳар аҳолиси эътиборига шуни маълум қиладики, энергия ташувчи муҳит ва ашёларнинг нархлари ошиб кетгани боис, 2016 йил 1 октябрдан бошлаб марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қуйидаги ойлик тарифлар белгиланади:

марказий иситиш – 1263,35 сўм/м²/тақвимий (календарь) йил ойи (иситиш майдони);

иссиқ сув таъминоти:

- ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаган тақдирда – 14593,56 сўм/киши/ой
- умумий чўмилиш хонасига эга ётоқхоналар учун – 10865,2 сўм/киши/ой;
- ҳисобга олувчи асбоблар бўлган тақдирда – 3736,92 сўм/м³ 1 м³ истеъмол қилинган иссиқ сув учун.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрдаги "Республика иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти ташкилотларини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 300-сонли Қарорининг 10-бандига мувофиқ, эслатиб ўтамиз:

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН:

Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбоблари бўлмаган юридик шахсларга иссиқлик энергиясини етказиб бериш, иссиқлик энергияси учун белгиланган тарифнинг икки баробар миқдори қўлланилиб амалга оширилади. (Кўп хонадонли уйларда жойлашган юридик шахслар бундан истисно).

АҲОЛИ УЧУН:

Рўйхатда турувчи фуқаролари бўлмаган ва иссиқ сувни ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилмаган турар жой хоналарида иссиқ сув таъминоти хизматлари учун ҳисоб-китоблар, истеъмол қилиш меъёрлари бўйича, иссиқ сув таъминоти хизматларига қўйилган тарифларнинг 1,5 га оширилган коэффициентини қўллаган ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

бир хоналик ва икки хоналик хонадонларда – бир киши учун;

уч хоналик хонадонларда – икки киши учун;

тўрт хоналик хонадонларда – уч киши учун;

беш хоналик хонадонларда – тўрт киши учун.

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Юридик ва жисмоний шахсларга Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси, шунингдек, унинг қуйи тизимидаги ҳодимларининг давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларида, улар томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатларининг поймол бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бошқарма ва корхона фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи "ишонч телефони" тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21
Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти.

Реклама ўрнида

Xususiy aksiyadorlik tijorat banki
RAVNAQ-BANK

Sizning farovonligingiz yo'lida!

Мамлакатимизда кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳозирги кунда иқтисодиётимизнинг юксалиб боришида хусусий секторнинг улуши катта бўлмоқда. Шу боис мазкур соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, кўплаб имтиёзларга эга бўлаётир. Берилаётган эътибор натижасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кўлами кенгайиб бормоқда.

МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ – РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Албатта, бу борадаги ишларда мамлакатимиз тижорат банкларининг ҳам ҳиссаси катта. Банклар томонидан ажратилаётган кредитлар замонавий технологияларнинг келтирилишига ва бунинг натижасида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш тизимининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

"Ravnaq-bank" хусусий акционерлик тижорат банк ана шундай банклардан биридир. Мазкур банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига мунтазам молиявий кўмак бериб келинмоқда. Биргина жорий йилни олиб қарайдиган бўлсак, ўтган вақт мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 25,1 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Шундан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 1,885 млрд. сўм, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 2,735 млрд. сўм, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун 4,948 млрд. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 10,813 млрд. сўм ҳамда оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 0,155 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Ушбу кредит маблағлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш, янги технологиялар ва асбоб-ускуналарни жалб қилиш ҳамда хомашё базасини мустаҳкамлаш учун сарфланмоқда.

"Tahir-Fortuna-Trade" масъулияти чекланган жамияти "Ravnaq-bank" ХАТБнинг доимий мижозларидан биридир. Ушбу тадбиркорлик субъекти жорий йилда банкдан ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва хомашё базасини мустаҳкамлаш мақсадида 350 миллион сўм кредит олиб ўз фаолиятини янада мустаҳкамлаб олди.

– Юртимизда ишбилармон доира вакилларига кўплаб енгилликлар яратилиб, қатор имтиёзлар берилмоқда, – дейди "Tahir-Fortuna-Trade" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Тоҳир Тошмуҳамедов. – Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Биз ҳам мана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиб келмоқдамиз. Фаолиятимиз асосан қаҳва маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, бугунги кунда "Migcoffee" савдо белгиси остида маҳсулот ишлаб чиқармоқдамиз. Жорий йилда банкдан олган қисқа муддатли кредит маблағларига зарурий хомашёлар, шакар, тез аралашадиган кофе, қадоқлаш пакетлари ҳамда бир марталик қопқоқли ва қопқоқсиз стакан идишларни харид қилдик. Шу билан бирга ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириб, бир нечта янги иш ўринлари ҳам яратилишига эришдик.

"DK EXIM" масъулияти чекланган жамияти ҳам "Ravnaq-bank" ХАТБнинг кредит маблағларидан фойдаланган ҳолда фаолиятини кенгайтириб бораётган корхоналардан биридир.

– Корхонамиз кир ювиш кукунлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, – дейди "DK EXIM" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Қудратжон Тожибоев. – Зарурий хомашё маҳсулотларини харид қилиш, фаолиятимиз кўламини кенгайтириш мақсадида 150 миллион сўм кредит олдик. Ушбу маблағлар ишлаб чиқариш кўлами кенгайишига ва маҳсулотларимизнинг сифат жиҳатдан яхшиланишига замин яратди. Бир нечта янги иш ўринларини ҳам ташкил этдик. Келгусида фаолиятимизни кенгайтириб, маҳсулотларимиз турини кўпайтирмоқчимиз, бунда албатта, "Ravnaq-bank" ХАТБ билан ҳамкорлигимизни давом эттирамиз.

"Tahir-Fortuna-Trade" ёки "DK EXIM" каби "Ravnaq-bank" ХАТБдан кредит олиб, фаолиятини самарали давом эттираётган корхоналарни кўплаб мисол келтириш мумкин. Энг муҳими, улар бугун мамлакатимизнинг иқтисодий ривожига муносиб улуш қўшмоқдалар.

Абдуалим САЛИМОВ

Хизматлар лицензияланган

ДУК "СУВСОЗ" "ТОШКЕНТ СУВ ТАЪМИНОТИ" ШК

Электроэнергия нархининг ошганлигини инобатга олиб, 2016 йил 1 октябрдан тижорат ва саноат корхоналари учун тарифларнинг қайта киритилишини хабар қилади:

Сув таъминоти бўйича — 1 м³ учун 400 сўм, ҚҚСсиз.

Оқава сув бўйича — 1 м³ учун 215 сўм, ҚҚСсиз

ДУК "СУВСОЗ"

Энергоресурсларнинг нархи ошганлиги сабабли, 2016 йил 1 октябрдан Тошкент шаҳар аҳолиси учун ичимлик суви ва оқава сувлари тарифларнинг қайта киритилишини хабар қилади:

Сув таъминоти бўйича — 1 м³ учун 180 сўм 00 тийин, ҚҚСсиз.

Оқава сув бўйича — 1 м³ учун 115 сўм 00 тийин, ҚҚСсиз.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.
Факс: (371) 232-11-39.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

(Газетанинг навбатдаги сони 16 сентябрда чиқади).





Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ёшлар маданият ва санъат маркази ёшларни Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва фидойилик руҳида тарбиялаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг иқтидорини шакллантириш, рағбатлантириш мақсадида рақс, театр, эстрада соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш борасида кенг қамровли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Марказлар фаолиятидан

ИМКОНИЯТ ВА МАҲОРАТ МАСКАНИ

Ёшлар маданият ва санъат маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 августдаги "Ёшлар маданият ва санъат маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил этилган.

"Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби билан ҳамкорликда иш олиб боради. Марказда ёшлар учун театр, рақс, эстрада санъати, интеллектуал билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган доимий фаолият юритувчи "Миллий ва замонавий эстрада хонандалиги", "Миллий ва замонавий рақс", "Ёшлар театр студияси" ҳамда "Инглиз тили" лойиҳалари ташкил этилган.

Марказда билимли, малакали ҳамда замонавий бошқарув кўникмаларига эга бўлган мутахассислар фаолият олиб бормоқда. Юқорида номлари қайд этилган лойиҳаларда юртимиз ёшлари ўзларининг истеъдодини янада шакллантириш, эзгу ниятларини рўёбга чиқариш мақсадида фаол қатнашиб келмоқда.

Бугунги кунда юқорида номлари қайд этилган лойиҳаларда иштирок этиш истагини билдирган 300 нафарга яқин ёшлар саралаш жараёнларида ўз иқтидорларини намоён этдилар ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда тегишли гуруҳларга бўлиниб машғулотларда фаол қатнашмоқдалар.

Ҳозирда "Миллий ва замонавий рақс" лойиҳалари ҳафтада уч маротаба, "Ёшлар ва театр студияси" беш, "Инглиз тили" лойиҳаси эса ҳафтада тўрт марта ўқув машғулотларини юксак савияда олиб боради.

Марказ томонидан лойиҳа иштирокчилари учун барча шароитлар замон талаблари асосида яратилган бўлиб, кенг ва шинам ўқув хоналари, рақс ва театр заллари, овоз ёзиш студияси ўзига хос тарзда жиҳозланган. Ёшларнинг назарий ва амалий билимларини ошириш, маҳорат ва салоҳиятини шакллантириш учун ўқув услубига эга тегишли асбоб-ускуналар, махсус ўриндиқлар, керакли ўқув қўлланмалар жамланмаси, кўргазмали воситалар ва электрон дарсликлари билан тўлиқ таъминланган.

Жорий йилнинг сентябрь ойидан бошлаб "Ёшлар театр студияси" лойиҳаси аъзолари терроризм, диний экстремизм, гиёҳвандлик ва одам савдоси каби салбий иллатларнинг олдини олиш, мамлакатимиз ёшларининг онгу тафаккурини зарарли ёт ғоялардан тозалаш мақсадида турли хил спектакларни саҳналаштирилиши режалаштирилган.

Насрулла Қобулнинг "Тўда" асари асосида "Адашганлар" номли спектаклини саҳналаштириш, "Миллий ва замонавий рақс", "Миллий ва замонавий эстрада хонандалиги", "Инглиз тили" лойиҳалари аъзолари иштирокида ҳисобот тадбирлари, ижодий учрашувлар, турли концертлар намойиш этилиши режалаштирилган. Лойиҳаларни ноанъанавий равишда ташкил этиш ва иштирокчиларни янда пухтароқ билим олишларини таъминлаш мақсадида машҳур эстрада хонандалари, театр ва кино актёрлари иштирокида ўқув амалиёт машғулотлари олиб борилмоқда.

– Ёшлар маданият ва санъат маркази ёшларнинг жамиятимиздаги ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини янада кенгайтириш, маданий мусиқий меросимиз, миллий ва жаҳон эстрада санъати дурдоналари асосида уларда юксак бадиий дидни шакллантириш мақсадида ташкил этилган, – дейди Ёшлар маданият ва санъат маркази бош мутахассиси Фаррух Юнусов биз билан суҳбатда. – Шу билан бирга ёшларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, улар иштирокидаги концерт, фестиваль, кўрик-танловлар, турли маданий шоу-томоша тадбирларини ўтказиш, жаҳон халқлари миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг ноёб намуналарини ёшлар орасида кенг тарғиб қилишга хизмат қилмоқда. Бинобарин, мамлакатимизга ташриф буюрадиган ҳамда юртимиздан хорижга чиқувчи ёш хонанда, созанда ва бадиий жамоаларнинг гастроль сафарларини миллий анъаналаримизга мувофиқ юқори савияда уюштириш, чекка ҳудудлардаги қобилиятли ёшларни кашф этиш, ижодий ҳамкорлик муҳитини яратиш ва энг асосийси ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида самарали фаолият юритиб келмоқда. Марказимизни, мамлакатимиз ёшларининг бахтли ва фаровон ҳаётини мустаҳкамлашда яна бир муҳим восита, уларнинг орзу-истакларини, интилиш ва қизиқишларини амалга оширувчи сеҳрли ришта, бахтиёр келажагини таъминловчи мўъжазгина маскан деб атасак ҳеч ҳам муболаға бўлмасди.

Дарҳақиқат, Ёшлар маданият ва санъат маркази ўқувчи-ёшлар қалбида она юртга муҳаббат, Ватанга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва шукроналик ҳиссини камол топтириш, ёшларни турли салбий оқим, ёт ғоялар ва зарарли иллатлар таъсиридан ишончли асраш ва ҳимоялашга хизмат қилади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Футбол янгиликлари

ЧЕМПИОННИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат XXV миллий чемпионатининг 21-тур беллашувлари амалдаги чемпион "Пахтакор"ни муҳим уч очкодан маҳрум қилди.

Сафарда "Металлург" жамоаси меҳмони бўлган пахтакорчилар мезбонларга муносиб қаршилик кўрсата олишмади ва 90 дақиқа давом этган беллашувда ўз дарвозаларидан 2 та гол ўтказиб юборишди. Ўйинни 2:0 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қила олган бекободликлар муҳим уч очкога эга бўлишди.

Ушбу турда мухлислар "Бунёдкор" ҳамда "Обод" жамоалари ўртасидаги "Тошкент дерби"си номини олган баҳсга гувоҳ бўлишди. Айтиш жоизки, "Обод" жамоаси "Бунёдкор"га қарши муносиб ўйнашга интилди. Аммо, тажрибасизлик "Обод" футболчиларига яна панд берди. Оддий вазиятларда ҳимоячилар хатоси туфайли мезбонлар 90 дақиқа давомида рақиб дарвозасига 3 та гол киритишди ва ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қолишди. Учрашув 3:0 ҳисобида мезбонларнинг ғалабаси билан тугади. Дарвозага голларни Д.Ҳамдамов (пенальти), С.Минори ва Б.Насимов киритишди.

Жорий йил мавсум бошидан карвонбошиликни ҳеч қайси жамоага бермаётган "Локомотив"га бу сафар ҳам ўз майдонида "Шўртан" жамоасини мағлуб этиш қийинчилик туғдирмади. Темирйўлчиларнинг устунлигида кечган учрашув 3:0 ҳисобида якунланди. Меҳмонлар дарвозасини С.Мирзаев, Т.Кападзе, М.Бикмаев аниқ нишонга олишди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: "Қизилқум" – "Қўқон-1912" – 1:1, "Насаф" – "Бухоро" – 3:0, "Сўғдиёна" – "Андижон" – 1:0, "Навбаҳор" – "Олмалиқ" – 3:3, "Нефтчи" – "Машъал" – 1:2.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

"102" ХАБАРЛАРИ

● Шайхонтоҳур туманида жойлашган компьютер ўйинлари хонасида, 1992 йилда туғилган, ишламайдиган, Олмазор туманида яшовчи А.А. Т.Саиднинг 4160000 сўмлик "Iphone-6-S" уяли телефон аппаратини зарур иш билан қўнғироқ қилишни баҳона қилиб олиб қўяди. А.А. телефонни қайтариб бериш кераклиги эсидан чиқиб қолди шекилли, Т.Саид ички ишлар идораларига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Яхшиликка ёмонлик билан жавоб берган А.А.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

● Номаълум шахс Шайхонтоҳур туманидаги Ибн Сино даҳасида У.Илҳом ва Б.Ҳамидга нисбатан жисмоний куч ишлатиб, 50 000 сўмлик "Самсунг SGH-F480" ва 80 000 сўмлик "Нокиа-1280" уяли телефон аппаратларини тортиб олиб, воқеа жойидан яширинади. Жабрланувчиларнинг мурожаатига кўра, ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 166-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тезкор-тергов ҳаракатлари олиб борилди. Натижада, ушбу жиноятни 1980 йилда туғилган, муқаддам 2012 йилда Чилонзор туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 166-моддаси билан судланган, ишламайдиган, Сурхондарё вилоятида яшовчи Х.Х. томонидан содир этилганлиги аниқланиб, ушланди. Далилий ашё сифатида олинган уяли телефон аппаратлари эгаларига қайтарилди.

● Учтепа туманида номаълум шахс С.Акбарга тегишли кўчада қаровсиз қолдирилган ранги оқ, "SPARK" русумли автоуловнинг олд ўнг эшиги қулфини бузиб очиб, салонидан елим халта ичидаги 120 000 сўм пулни ўғирлаб, воқеа жойидан яширинган эди. Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси билан жиноят иши қўзғатилди. Олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида ушбу жиноятни, 1989 йилда туғилган, муқаддам 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-моддаси билан судланган, Шайхонтоҳур туманида яшовчи Р.М. содир этганлиги аниқланиб, ушланди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси матбуот хизмати хабарлари асосида тайёрланди

"101"

ЁНГАН ХАЗОН БАРЧАГА ЗИЁН

Атрофимиз тоза, озода бўлиши учун хазонни ёқамиз. Бу ишларни тозалик учун қиламизу, лекин атроф-муҳитга қанча зарар келтираётганини билмаймиз.

Маълумотларга кўра, бир тонна хазон ёнганда атмосферага ўттиз килограмм углерод оксиди ажралиб чиқади. Хазон тутуни таркибида инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи бошқа заҳарли моддалар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳавога тарқалиши кўплаб касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлар экан.

Бу бир жиҳатдан, яна бир томони хазонларни ёқиш натижасида кўплаб ёнғинлар содир бўлади. Хусусан, ёш болаларнинг хазон ёқиб, ўйнаши оқибатида ташвишли ҳолатлар келиб чиқиши мумкин. Бу ҳақида огоҳлантириш фақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ўзини шу юрт, шу эл тақдирига дахлдор деб билган ҳар бир кишининг вазифаси бўлмоғи керак. Болаларимизга тўғри тарбия бериб, Ватанимизга содиқ, ҳар томонлама етук инсон бўлиб камол топишига ҳисса қўшиш ҳар биримизга катта масъулият юклайди. Шундай экан, ҳамиша фарзандларимиздан насиҳатимизни, ҳаёт учун керакли сабоқларимизни аямаслигимиз керак.

Ҳеч ким ўз фарзандининг ногирон бўлиб қолишини истамайди, албатта, ёнғин эса бир неча сонияда инсонларни мол-мулки, яқинларидан ҳам ажратиб юборадиган бир офатдир. Чунки, ўз уйи ва ўзгалар ҳаёти учун жавобгарлик ҳар бир кишининг виждон иши бўлиши керак. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда фаоллик кўрсатиш бурч эканлигини ҳеч ким унутмаслиги зарур. Ушбу қоидаларга ҳар доим риоя қилиб борилса, йиллаб тўпланган мол-мулк, уй-жойни сақлаб қолиш, қолаверса, ҳар бир фуқаро ўзининг ва яқин кишиларининг ҳаётини ҳам асраб қолган бўлади.

Убайдулла УТАБЕКОВ,
ЁХБ 12-ҲЁХО 24-ҲЁХҚ кичик инспектори, катта сержант

ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида мунтазам равишда ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкиллаштирилади.

Бундан ташқари оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олишга аҳолини жалб қилишдан иборатдир.

Шу ўринда кундалик турмушда фойдаланиладиган қуйидагилар тақиқланишини эслатиб ўтиш жоиз:

— Ишга яроқсиз розетка ва бошқа электр мосламаларидан фойдаланмаслик;

— Электр тармоғига уланган телевизор, компьютер ва бошқа электр ускуналарни назоратсиз қолдирмаслик;

— Ёнмайдиган асоссиз электр иситиш мосламалари – электр дазмол, плита, чойнак ва бошқалардан фойдаланмаслик;

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига барча ходимларнинг риоя этишларини сўраб қоламиз.

Дилшод ҲУСАНОВ,
28-ҲЁХҚ кичик инспектори, сафдор

* * *

Ёнғинлар халқ хўжалигига катта моддий зарар келтириши барчага маълум. Унинг катта-кичиги бўлмайди. Ёнғин жуда катта миқдордаги бойликларни ёндириб, кулга айлантиради. Бундан ташқари, ёнғиндан кўриладиган зарарнинг энг ёмони, унда кўплаб кишилар жароҳатланади ва ҳатто ҳаётдан кўз юмиши ҳам мумкин.

Ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари эса асосан қуйидагилардан: электр тармоқлари ва ускуналаридаги қисқа туташув, электр асбобларининг қизиб кетиши, моддаларнинг ўз-ўзидан ёниб кетиши, болалар шўхлиги ва уларни назоратсиз қолдириш ва шу каби ҳолатлардир. Айниқса, қишда уйларни иситиш учун ишлатиладиган қўлбола иситиш мосламалари, шунингдек, газ плиталарининг ёниқ қолдирилиши кўплаб ноҳуш ҳолатларга олиб келиши турган гап. Шунинг учун, биз аҳолимизни янада эътиборли бўлишга чақирамиз.

"Тилсиз ёв" қаерда ва қачон бўлмасин, ўзининг мудҳиш изларини қолдиради. Кўплаб одамлар бошпанасиз қолади, саломатлигини йўқотади, айрим ҳолларда эса киши ҳаётдан бевақт кўз юмади. Ишлаб чиқариш корхоналарида содир бўлган ёнғинлар кишиларнинг самарали меҳнатига салбий таъсир кўрсатади. Давлат мулкига зиён етказиб, миллионлаб зарар келтиради.

Халқ мулкини "тилсиз ёв"дан муҳофаза қилиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш муҳим омилдир. Бу ишда нафақат ушбу соҳа ходимлари, балки ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқдир.

М.АҲМАДЖАНОВ,
12-ҲЁХО 16-ҲЁХҚ кичик инспектори, катта сержант

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **15 сентябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 15-17, кундузи — 30-32 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **15 сентябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-1228
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 955
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4875 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 15.20
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ